

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 6 март, № 48 (8671) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИГА ҚАРАТИЛГАН

**Президент Шавкат Мирзиёев 5 март куни Тошкент шаҳрида спорт таълими, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги замонавий объектлар, экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.**



Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент шаҳрида барпо этилган Баҳодир Жалолов ихтисослаштирилган бокс спорт мактабини бориб кўрди.

Олимпиада ва Осиё ўйинлари ғолиби, икки карра жаҳон ва уч карра Осиё чемпиони Баҳодир Жалолов Ўзбекистон спортининг байроқдори ҳисобланади. У кейинги йилларда профессионал боксда ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Юртимизда бундай чемпионлар фаолиятини тарғиб қилиш, уларнинг намунасида ёш спортчиларни тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 14 мартдаги қарорига мувофиқ, шундай яна бир маскан — Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби ташкил этилди.

Бу ерда халқаро даражадаги боксчиларни тайёрлаш, бунинг учун юқори малакали мураббий ва мутахассисларни жалб этиш, ўқув-машғулотларни халқаро стандартлар даражасида ташкил қилиш ҳамда илғор тажрибалар асосида унинг сифатини ошириб бориш йўлга қўйилмоқда.

Тўрт қаватли замонавий бинода бунинг учун барча шароит яратилган. Биринчи қаватда асосий спорт зали, сузиш ҳавзаси, тиббиёт хонаси ва ошхона бор. Иккинчи қаватда психология, хорижий тиллар, назарий машғулотлар, информатика ва ўқитувчилар хоналари, шунингдек, 45 ўринли меҳмонхона жойлашган. Учинчи ва тўртинчи қаватларда 235 ўринли ётоқхона, маънавият хонаси ташкил этилган. Шунингдек, бино ертўласида автотураргоҳ қурилган.

Бокс мактаби 175 ўринга мўлжалланган бўлиб, 5 — 11-синфларга ҳар йили 25 нафардан ўқувчи саралаб олинади. Илк иқтидорлар 2022 йилги ўқув йилида қабул қилинган ва бугунги кунда 50 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда. Улар бутун мамлакатимиздан келган талабгорлар орасидан саралаб олинган.

Баҳодир Жалолов мактаби ўқувчилари 2023 йилда халқаро ва республика мусобақаларида 26 та олтин, 18 та кумуш, 15 та бронза медални қўлга киритган. Бу йил ҳам қатор турнирларда иштирок этиш режалаштирилган.

Мактаб бутун мамлакатимиз ёш боксчилари учун ўқув-машғулот базаси бўлади. Ёш истиқболли боксчиларни танлаш ва тарбиялаш бўйича бошқа спорт мактаблари ва марказлари билан ҳамкорлик қилиб боради.

Шу боис мактабда ёш спортчилар, соҳа мутасаддилари билан мулоқот бўлди. Мулоқотга видеоалоқа орқали ҳудудлар ҳам уланди.

— Биз бу йилни Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилдик. Ҳар доим ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ёшларга керакли шароитларни яратяпмиз. Уларнинг салоҳияти, интилиши кучли. Бокс бўйича дунёда етакчилар қаторидамиз. Бу салоҳиятни, иқтидорли ёшларимизни ривожлантириш мақсадида шу мактабни ташкил этдик. Энди Баҳодир Жалолов мактаби ўз йўналишида худди Президент мактабидек намунавий тизим бўлади. Бокс методологияси, диетологияси, тиббиёти, психологияси ҳудудлардаги спорт мактабларида ҳам ривожлантирилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Вилоят ҳокимларига спорт федерациялари билан ҳамкорликни яхшилаш, ҳудудларда уларнинг ишига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, хусусан, уларни боксга жалб этиш, бунинг учун мактаб ва тўгаракларда шароитларни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Спорт гимнастикаси бўйича уч карра жаҳон чемпиони, жаҳон кубоги соҳиби Оксана Чусовитина — мамлакатимиз фахри. У саккизта Олимпиадада қатнашган ягона гимнастикачи сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган.

Юртимизда шундай спортчининг бўлиши болалар учун намуна, далда. Президентимизнинг 2022 йил 14 мартдаги Оксана Чусовитина ихтисослаштирилган гимнастика спорт мактабини ташкил этиш тўғрисидаги қарори спортсевар ёшларга катта шароит яратди.

Давлатимиз раҳбари ушбу спорт мактабига ташриф буюриб, бу ердаги шароитларни ва машғулотларни кўздан кечирди.

Муассаса миллий терма жамоалар учун халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш, юқори малакали мураббий ва мутахассисларни жалб этиб, ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил қилиш, мураббийлар ва гимнастикачилар маҳоратини мунтазам ошириб боришга йўналтирилган. Бунинг учун уч қаватли замонавий бинода барча шароит яратилган.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига улкан эҳтиром кўрсатиш, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларни муносиб тақдирлаш мақсадида қуйидагилар мукофотлансин:

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Аннакличева Гулистан Ахмедовна** — «Қорақалпоқ адабиёти» газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бағишова Билимхон Алимбековна** — Чортоқ туманидаги «Соз-сой» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Наманган вилояти

**Жўрақулова Рано Муҳамеджановна** — Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг драма артисти

**Рахимова Гулоро** — Хоразм вилояти мусиқали драма театрининг етакчи саҳна устаси

**Рахимова Райхон Абдурасуловна** — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси директори

**Эгамбердиева Тургуной Ахамаджоновна** — Фарғона давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, Фарғона вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

**Аймуратова Лиза Айтмуратовна** — «Қуўаниш жарма» ирригация тизими бошқармаси муҳандис-гидротехниги, Қорақалпоғистон Республикаси

**Аслонова Эмма Сергеевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси

**Ахмедова Махсума Тўхтамуродовна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Бахрамова Ризвон Ахроровна** — Бухоро вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинойиси

**Вохидова Матлубахон Манононвна** — Сўх туманидаги «Мулки Бовоҳид» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Джакеева Замира Дербисовна** — Томди тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими бошлиғи, Навоий вилояти

**Джуралиева Азамат Тураевна** — Термиз туманидаги «Темур бобо» фермер хўжалиги агрономи, Сурхондарё вилояти

**Дўлибоева Барчиной Абдурасуловна** — Бахмал туманидаги «Барлос» фольклор жамоаси бадиий раҳбари, Жиззах вилояти

**Есимханова Регина Александровна** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Тошкент юк вагон депоси вагон йиғув цехи кран машинисти

**Зянгурова Рузалия Шафкатовна** — Сирдарё вилояти ихтисослаштирилган спорт мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийси

**Искандарова Роза Рахмановна** — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография педагогикаси кафедраси доценти

**Каюмова Маликахон Абдурахимовна** — Поп туманидаги «Papfen» масъулияти чекланган жамияти оператори, Наманган вилояти

**Мурадова Гулзира Сариевна** — Миришкор туманидаги «Янги Миришкор агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қашқадарё вилояти

**Сергеева Юлия Владимировна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ким Пен Хва чорва» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Хамроева Гулноза Маматмуратовна** — Пастдарғом туманидаги 8-оилавий болалар уйи раҳбари, Самарқанд вилояти

**Ходжаева Сайёра Атахановна** — Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти директори

**Шерова Саодат Отажановна** — Шовот туманидаги «Шовот қалъа биосервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Эргазиева Майрамхон Сатволдиевна** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Андижон вилояти бошқармаси аъзоси, дўппидўз

**Ягафарова Наиля Мунировна** — «12-трест» акциядорлик жамиятининг архитекторлар ва дизайнерлар бўлими етакчи архитектори, Тошкент шаҳри

**(Давоми 2-бетда).**

Сенат қўмитасида

## МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг навбатдаги мажлисида муҳим қонунлар кўриб чиқилди.*

*Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парламенти ва қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, қонун ташаббускорлари, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, конституциявий ислоҳотлар натижасида турли йўналишларда бўлгани каби маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини ҳурмат қилинишини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун билан Жиноят-ижроия кодексига янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ маҳкумларнинг ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлишига, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишига, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га, Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани)га ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этиш борасидаги ҳуқуқлари мустаҳкамланаётир. Шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сайловларда ҳамда референдумда қатнашиш имкониятларини берувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## УСТУВОР МАҚСАДЛАРДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ МУЖАССАМ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 2023 йилда бажарилиши юзасидан Ҳукумат ҳисоботи атрофлича муҳокама қилинди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлиги ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлаш, гиёҳвандликка қарши курашишга оид бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

### Давлат дастури ижроси — муҳокамада

“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 2023 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи муҳокама марказида бўлди.

➡ 4

Акс садо

## ОЛАМ НУРГА ТЎЛСИН СЕН БИЛАН, НАВРЎЗ!

***Президентимизнинг “2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори баҳорий кайфиятимизни, қалбимизда, руҳимизда кечаётган янгиланиш ва яшариш шукуҳини янада тўлқинлантириб юборди. Зеро, ушбу ҳужжатга мувофиқ, бу йилги байрам мамлакатимизда “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юқори даражада кенг нишонланади.***

***Ўлкамизда Наврўз ифори кезмоқда. Илиқ насим чор-атрофни тутиб кетган. Бобоқуёш заминга ўз нурларини чексиз саховат ила сочмоқда. Юртимизнинг дала-даштлари ва кенгликларида баҳор элчиси — бойчечаклар униб чиқди, майсалар барқ урди, дарахтлар куртак ёйди.***

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Бафоева Сидиқа Хамроевна** — Когон шаҳридаги «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Бухоро вилояти

**Норбаева Зеваржон Тангрибергановна** — Қўшкўпир туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Ташматова Зулфия Азизовна** — Чилонзор туманидаги «Кўркам» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

### II даражали «Саломатлик» ордени билан

**Буриева Шарофат** — Пахтачи туманидаги «Ҳакимқул» оилавий шифокорлик пункти мудири, Самарқанд вилояти

**Нормуродова Маърифат Эгамуродовна** — Шеробод туманидаги «Euro Med Plus» диагностика ва даволаш маркази раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Холбоева Гулноз Бахадировна** — Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматологи

### «Соғлом турмуш» медали билан

**Азимова Рано Исмаилжановна** — Хонобод шаҳридаги «Кампирровот» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Андижон вилояти

**Халикова Ольга Андреевна** — Юқори Чирчиқ тумани спорт мактаби директори, Тошкент вилояти

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Имамова Юлдуз Алланазаровна** — Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлимининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, Сурхондарё вилояти

**Расулова Гулбахор Обидовна** — Жиззах шаҳар ички ишлар бошқармасининг 2-ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, Жиззах вилояти

### «Келажак бунёдкори» медали билан

**Атаджанова Дилдора Адилбек қизи** — Сергели туманидаги «Dalatech Systems» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Маматмўминова Иқбол Эркин қизи** — Шўрчи тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Сурхондарё вилояти

**Машрабова Мухлиса Алижон қизи** — Андижон давлат университетининг санъатшунослик факультети 4-босқич талабаси, Андижон вилояти

**Худойбердиева Малика Валижон қизи** — Учқудуқ тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Навоий вилояти

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуғофурова Ферузахон Тожиматовна** — Булоқбоши туманидаги «Тўлан файз» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Абдукаримова Саодат Жуманазаровна** — Янгиариқ тумани «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Хоразм вилояти

**Аметова Гаухар Гулмуратовна** — «Тахиатош иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг бўлим муҳандиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Атоева Раҳима Камоловна** — Халқ депутатлари Ромитан тумани Кенгаши котибияти мудири, Бухоро вилояти

**Ачилова Фируза Курбановна** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали логистикада ахборот технологиялари кафедраси доценти, Қашқадарё вилояти

**Бобокулова Гулнора Нормативна** — Жиззах шаҳридаги «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Гиёзова Инобат Сулаймоновна** — Паркент туманидаги «Кумушкон саховати» оилавий туризм корхонаси директори, Тошкент вилояти

**Дулабова Нафиса Юсуповна** — Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг регионал ва рудали геология бўлими бошлиғи

**Жуманазарова Гулчехира Жумахметовна** — Кегейли тумани «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Исмоилова Мамлакат Норқуловна** — «Навоий иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш цехи кран машинисти, Навоий вилояти

**Исраилова Буайшахон Абдурасуловна** — Учқўрғон туманидаги «Uchkurgan Textile» масъулияти чекланган жамиятининг «John Deere» пахта терим комбайни механизатори, Наманган вилояти

**Ишонқулова Дилрабо Сайфиевна** — Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг цех қурилмаси кузатувчиси, Қашқадарё вилояти

**Каримбердиева Дилбар Зиятдиновна** — Тўрткўл туманидаги «Аяз юрт» оилавий туризм корхонаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кошипжонова Уктамхон Салимовна** — Тошлоқ туманидаги «Zamin Aziya Farm» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти

**Курбанова Мунаввара Абдужаббаровна** — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг тил назарияси кафедраси доценти

**Кучкарова Сайёра Юлдашевна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Рух заводи вельцлаш цехи шихталовчиси, Тошкент вилояти

**Қодирова Нодира Ғофуровна** — Риштон туманидаги «Олимжон Илёсбек» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

**Мирмахсудова Тамара Наркуловна** — Ўзбекистон давлат драма театрининг драма артисти

**Негматова Улугой Мусановна** — Сардоба тумани телекоммуникация боғламасининг станция иншоотлари гуруҳи алоқа электр механиги, Сирдарё вилояти

**Нуриддинова Манзура Тошқуловна** — «Навоийуран» давлат корхонасининг «Учқудуқ» ишлаб чиқариш майдони геотехнологик кони аппаратчиси, Навоий вилояти

**Патхитдинова Шахназа Абдалиевна** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи кран машинисти, Тошкент вилояти

**Примова Холида Анорбоевна** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали ахборот технологиялари кафедраси профессори, Самарқанд вилояти

**Пулатова Сабохат Усмановна** — Бухоро муҳандислик-технология институтининг тикувчилик саноатида инновацион технологиялар кафедраси профессори, Бухоро вилояти

**Рузиева Дилором Мухитдиновна** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси, зардўз

**Сохибова Хусниобод Махаммадовна** — Асака туманидаги 16-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Супиева Зиёда Мирхакимовна** — Шайхонтоҳур туманидаги «Lotus Gaz Invest» масъулияти чекланган жамиятининг минорали кран машинисти, Тошкент шаҳри

**Тошматова Хакимахон Рахимжоновна** — Наманган шаҳридаги «Mega Star Flowers» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Тўйчиева Шохиста Холбоевна** — Нурота туманидаги «Нурота қоракўл наслчилик» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

**Тураева Қундуз Хаитовна** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Қарши минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси катта электр механиги, Қашқадарё вилояти

**Худайназарова Малохат Журамурадовна** — Янгиер шаҳридаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи фарроши, Сирдарё вилояти

**Шамаликова Дилфуза Шаюнусовна** — «Ғунча» журнали бош муҳаррири

**Шукурова Этибар Миразизовна** — Тошкент шаҳри ободонлаштириш бош бошқармасининг марказий майдонларни ободонлаштиришга ихтисослаштирилган бошқармаси ишчиси

**Эгамбердиева Хуршида Примкуловна** — Боёвут туманидаги «Ibrat academy» ўқув маркази раҳбари, Сирдарё вилояти

**Юлборсова Мотлуба Омоновна** — «Ўзйўлкўприк» кластерининг Фарғона вилояти филиали йўл бўлими ишчиси

**Якубова Шарапат Манноновна** — Шароф Рашидов тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳудуд тозаловчиси, Жиззах вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 март

# БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИГА ҚАРАТИЛГАН

1

Биринчи қаватда асосий зал ва машғулотлар зали, тренажёр майдончаси, тиббиёт хонаси ва ошхона жойлашган. Тепа қаватлардан 165 ўринли ётоқхона, меҳмонхона, информатика ва маънавият хоналари ўрин олган. Мактаб Германиядан келтирилган спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланган.

Гимнастика мактаби 5 — 11-синфлардаги 105 нафар ўқувчига мўлжалланган. Бугунги кунда 91 нафар ўғил-қиз маҳоратини оширмоқда. Уларга иккита хорижий тил ҳам ўргатилади.

Чусовитина издошлари ўтган йили спорт гимнастикаси ва бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақаларда 4 та, республика турнирларида 6 та ва спорт мактаблари ўртасида 24 та медални қўлга киритган.

Муҳими шундаки, гимнастикачи ёшлар бир жойнинг ўзида яшаб, таълим олиб, машғулотлар ўтказади. Умуман олганда, бу спорт мактаби гимнастикачилар учун республикада ягона ўқув-машғулот базасига айланади.

Шу ерда спорт соҳаси мутасаддилари ҳамда видеоалоқа орқали ҳудудлар раҳбарлари иштирокида мулоқот бўлди.

— Нима учун биз бу йўналишга катта эътибор бериб, мактаблар яратяпмиз? Гимнастика — ҳамма спорт турларининг асоси. Футболчи ҳам, боксчи ҳам, соғлом бўламан деган инсон ҳам гимнастика қилиши керак. Иқтисодиётни ривожлантириш, ёшларга таълим бериш билан бирга уларни спорт билан шуғуллантиролсак, юртимизда соғлом зурриёт, соғлом миллат бўлади, — деди Президент.

Ушбу мақсадда гимнастикани боғчаларидан кенг жорий қилиш, қобилиятли спортчиларни саралашни шу босқичдан бошлаш, ҳар бир ҳудудда иккитадан гимнастика мактаби ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йил Францияда бўладиган Олимпия ўйинларида қатнашадиган спортчи ва уларнинг мураббийларига алоҳида шароит яратиш, муносиб тайёргарлик кўришини таъминлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев экологик вазиятни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан танишди.

Сўнгги вақтларда экологик муаммолар, айниқса, ҳаво тозалиги кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Экологик хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газлар ва йўллардаги тирбандликлар бунинг асосий сабабларидан биридир. Шу боис давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан экологик вазиятни яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, автотранспорт воситаларининг зарарли ташламалари билан боғлиқ экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги Файзобод маҳалласида жойлашган Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлими мутлақо янги услубда ишловчи замонавий диагностика марказига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари марказ фаолияти билан танишди.

Марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Бельгия, Франция каби ривожланган мамлакатлар шаҳарларининг экологик муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги илғор тажрибаси инобатга олинган.

Бу ерда транспорт воситаларига давлат рақам белгиси бириктириш ва қайд этиш гувоҳномасини топшириш жараёни турли бюрократик тўсиқлар ва оворагарчиликдан холи қилинган, инсон омили минимал даражага туширилган. Аввал автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш жараёни олти-етти босқичда амалга оширилган бўлса, ҳозирда босқичлар сони учтага қисқарди.

Асосийси, эндиликда марказда автомобилдан чиқаётган зарарли моддалар миқдори текширилади ва экологик текширув натижасидан келиб чиқиб "RFID" чип ўрнатилган "қизил", "сариқ" ёки "яшил" ёрлиқ (стикер) машинанинг олд ойнасига ёпиштирилади.

Келгусида жорий экологик вазиятдан келиб чиқиб, шаҳар ҳудуди бир неча экологик зоналарга ажратилади ва транспорт воситаларининг ҳавога чиқараётган зарарли моддалари даражасига кўра, яъни стикер рангига қараб, айрим экологик зоналарга киришни босқичма-босқич чеклаш таклиф этилмоқда. Бунда экологик зоналарга рухсат этилмаган транспорт воситаларининг кириши автоматлаштирилган ҳолда назорат қилинади. Қоидабузарлик натижасида келиб тушаётган жарималар ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Тизим тўлақонли ишлаши учун мамлакат бўйлаб 100 га яқин ҳавони мониторинг қилиш автоматик станциялари ўрнатилиши, транспорт воситаларининг атмосферага чиқараётган зарари даражасини баҳолаш учун 84 та рўйхатга олиш-диагностика марказини, шунингдек, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг 216 та ҳудудий туман бўлинмасини замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, аҳоли учун электромобилларни харид қилишни рағбатлантириш, шу жумладан, бундай тоифадаги автомобиллар учун давлат рақамларини беришда ундириладиган тўлов миқдорларини камайтириш юзасидан аниқ амалий чоралар кўрилади.

Автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш ва диагностика марказига ташриф чоғида Президент Шавкат Мирзиёевга Тошкент шаҳридаги гавжум чорраҳалар ва кўчаларни тартибга солиш, бу орқали тирбандликларни бартараф этишга оид лойиҳа тақдимот қилинди.

Лойиҳа ўз олдига учта асосий вазифа қўйган — пиёдалар хавфсизлиги ва қулайлиги, жамоат транспортига устуворлик, ўтказиш қобилиятини ошириш ва йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш.

Мазкур лойиҳа синов тариқасида Тошкент шаҳридаги йирик чорраҳада — Бобур ва Фурқат кўчалари кесишмасида амалга оширилди.

Пиёдалар учун чорраҳаларда "хавфсизлик оролчалари" бунёд этилди, пиёдалар ўтиш жойида светофорни бошқариш ускуналари ўрнатилди. Жамоат транспорти бекатлари йўловчилар учун тушиб-чиқишга қулай тарзда қайта лойиҳалаштирилди.

Шунингдек, чорраҳаларга давомийлиги оқимга қараб мослашадиган интеллектуал светофорлар тизими ташкил этилди.

Бу каби лойиҳалар натижасида чорраҳаларнинг ўтказиш қобилияти сезиларли даражада ошиб, тирбандликлар камаяди, жамоат транспорти янада самарали бўлади.

Президентимиз бу ишларни кенгайтириш, "шаҳар — пиёдалар учун" тамойилини тўлиқ рўёбга чиқариш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "Tashkent City Mall" савдо-кўнгилочар марказига ҳам борди.

Мажмуа кўп функцияли бўлиб, замонавий тижорат ва хизмат турларини қамраб олган. 5 қаватда савдо дўконлари, ресторан ва кафелар, кўнгилочар ўйинлар ва спорт майдонлари жойлашган. Ер остида 2 қаватли автотурарғоҳ бор.

Марказда дунёнинг энг олди брендлари шохобчаларини очган. Улар орасида биринчи марта Ўзбекистон бозорига кириб келаётганлари ҳам талайгина.

Улкан майдонда болалар ва катталар учун ёпиқ ўйингоҳлар мавжуд. Шунингдек, 14 та кинотеатр ташкил этилган. Қисқача айтганда, бу ерда одамлар харид қилиши, дам олиши, спорт билан шуғулланиб, вақтини чоғ ўтказиши учун барча шароит яратилган.

Мажмуа бир кунда 60 минг кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Унда 3 мингдан зиёд кишилар иш билан таъминланади.

Президент бу ерга келган одамлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари мазкур мажмуанинг бир қисми бўлган беш юлдузли меҳмонхонада яратилаётган шароитлар билан ҳам танишди.

31 қаватли бу меҳмонхона бир вақтнинг ўзида 500 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Унда юқори мартабали меҳмонлар учун шароитлар, 273 та стандарт хона ташкил этилади.

Шунингдек, катта ва кичик конференция заллари, очиқ ҳамда ёпиқ сузиш ҳавзалари, ресторан ва кафетерия хизмат кўрсатади. Бинода замон талабига мос "Ақлли уй" тизими ҳамда тезюрар лифтлар ўрнатилган.

Меҳмонхона май ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Бу ерда яна 500 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Халқимизга замонавий хизматлар тақдим этадиган бундай марказларни мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам барпо этиш муҳимлиги айтилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА



1

Тадбирда шундан сўнг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлашга, судлар фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга ҳамда ягона суд амалиётини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, янгиланган Конституцияда белгиланган суд ҳокимияти мустақил ҳолда иш юритиши ва судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслигига оид кафолатларни таъминлаш мақсадида судлар раисларининг маҳаллий Кенгашларга бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этиши ҳақидаги қоида бекор қилиняпти. Киритилаётган ушбу ўзгартиришларга биноан эндиликда судлар ҳар чоракда ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилиб бориши керак бўлади.

Мазкур ўзгартиришлар суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўлақонли таъминланиши учун кафолатларни янада мустаҳкамлашга, судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишининг олди олинишига, жамиятнинг судлар фаолияти тўғрисида мунтазам ахборот олиши учун қатъий ҳуқуқий асос яратилишига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Шунингдек, мажлисда "Баҳолаш фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Қонун билан баҳоловчи, назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишларда ва бошқа тадбирларда фақат баҳоловчи ташкилот ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида эксперт сифатида ҳам иштирок этиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган қўшимчалар билан камида уч йил иш стажига эга бўлган суд экспертлари баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларда қўлланилган усулларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги нуқтаи назаридан суд экспертизасини ўтказиши мумкинлиги белгиланаётир. Суд экспертининг текширишларни ўтказишда унинг хулосасига нисбатан белгиланган талабларга, шунингдек, тегишли соҳадаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш бўйича мажбурияти назарда тутилмоқда.

Киритилаётган қўшимчалар баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини текшириш чоғида муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг ортиқча харажатларини камайтиришга ҳамда мамлакатимизда мол-мулкнинг ҳақиқий қийматини аниқлашга доир ягона ёндашувни жорий этишга хизмат қилиши сенаторлар томонидан алоҳида урғуланди.

Кўриб чиқилган қонунлар юзасидан иштирокчилар томонидан қатор таклифлар билдирилди ва бу масалалар бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД)нинг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи Анас Файяд Карман бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.*

**Мулоқот**

Айтиш лозимки, БМТТД билан ҳамкорликда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш борасида бир қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Учрашувда Олий Мажлис Сенати ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги "Ўзбекистоннинг миллий гендер стратегиясининг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш орқали тенгликка эришиш" қўшма лойиҳасининг амалга оширилиш ҳолати ва ҳамкорликнинг келгуси истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўтган йили Ўзбекистонда гендер тенглик ва хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтиришнинг келажак истиқболларини ўрганиш (Foresight) концепцияси ишлаб чиқилиб, миллий экспертлар гуруҳи шакллантирилгани, "Давлат муассасалари учун гендер тенглик нишони" глобал дастурини амалга ошириш доирасида Божхона қўмитаси учун маҳорат дарслари ва сўровлар ўтказилгани, Гендер стратегиясини амалга ошириш мониторинги ва мақсадли кўрсаткичлари (субиндикаторлар) ишлаб чиқилгани айтиб ўтилди.

Мулоқот давомида лойиҳанинг 2024 йилги асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Унда миллий етакчи аёллар платформаси аъзоларининг ҳамда захирадаги етакчи аёллар салоҳиятини ошириш, сиёсий ҳаётдаги фаоллигини кучайтириш, сиёсий партиялар ва маҳаллий Кенгашлар вакилларининг етакчилик кўникмасини кенгайтириш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, суҳбат чоғида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишда ҳамкорликни кучайтириш, биргаликдаги лойиҳалар ва халқаро тадбирлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

# БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигида «VATAN» ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журнали чоп этила бошланди

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўзгаришлар насими кириб бормаган соҳа, тармоқ, ҳаётнинг бирор жабҳаси қолмади, десак, муболаға эмас. Юртимизда озод ва эркин ҳаёт, адолатли жамият барпо этилмоқда. Иқтисодий тизим тўлиқ қайта қуриляпти. Инсон қадри, ҳуқуқи ва шаънига муносабат бутунлай ўзгарди. Сирасини айтганда, янги Ўзбекистонни бунёд этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш реал воқеликка айланмоқда.

Ушбу тарихий жараёнда одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури янгиланиши ислоҳотларнинг ҳаётга аниқ кўчиши, халқимизнинг азалий орзулари рўёбида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис Президентимиз мамлакатимизда таълим, илм-фан соҳаларини янада тараққий эттириш, халқимизнинг китобхонлик, журналхонлик, газетхонлик маданиятини, ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришни асосий вазифалардан бири этиб белгилаб берган. Янги журнал ана шу эҳтиёж, талаб ва истаклар маҳсулидир.

Журналнинг нишона сонидан атоқли шоирлар, ёзувчилар асарлари, мамлакатимиздаги илғор фикрли зиёлилар, олим ва сиёсатчиларнинг публицистик мақолалари жой олган. Саҳифаларда хориждаги ўзбекистонликларнинг ижодига, илмий ўй-фикрларига, Ватан ҳақидаги дил сўзларига ҳам кенг ўрин берилган.

Зотан, журналнинг таҳрир ҳайъати раиси, лойиҳа раҳбари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқов таъбири билан айтганда, ушбу нашр азиз Ўзбекистонимизни ўзига Ватан билган, унинг дарди билан яшаётган, қувончу ютуқларини қалбидан ўтказиб, шу азиз юртга садоқатини, меҳру муҳаббатини кўрсатишни истаган ҳар бир Ватан ўғлонига минбар беради.

Журнал жамоаси жонажон юртимиз — янги Ўзбекистон имижини кенг жамоатчилик ва академик доираларда оширишга ҳисса қўшиш ҳамда ўқувчиларни бугун дунё илм-фанида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида кечаётган тенденциялар билан яқиндан таништириб боришни мақсад қилган.

**Янги нашр**

Ишонамизки, эл-юртимиз тақдирига ўзини дахлдор билган ҳар бир инсоннинг бугун Ватан ҳақида айтишни дилига туккан ўз сўзи, фикри, изҳори бор. Одамларда бу табаррук тушунчага муносабат тамоман янгиланмоқда. Бинобарин, ватанпарварлик, миллатпарварлик намуналарини бугун ўз ҳаётимизда кўряпмиз, теран ҳис қилмоқдамиз. Барчамизни мамлакат манфаати, ёруғ истиқболга ишонч, фарзандларимиз бахту саодати бирлаштирмоқда, жипслаштирмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзанди халқимизнинг бирдамлиги, мамлакат яхлитлиги учун курашиб яшашни ўз ҳаётининг маъноси деб билмоғи керак! Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!

"Vatan" журнали таҳририяти жамоасига ижодий зафарлар тилаймиз!

**«Халқ сўзи».**

*Аёл — жамиятнинг жон томири. У меҳрибон она, оила чароғбони, хонадонлар файзу фариштаси бўлиши билан бирга, юртимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ҳамда ташаббускори ҳамдир.*

*Дарҳақиқат, сўнгги йилларда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга дахлдор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилаётгани натижасида опа-сингилларимиз ҳар жабҳада ўз ўрнига эга бўлмоқда. Айниқса, аёллар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ҳамда фаоллигини, давлат ва жамият ҳаётида иштирокини оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар олиб борилаётган бунда муҳим омил бўлаётир.*

# ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ИШТИРОКЧИСИ



Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлашнинг янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди. Асосий Қонунимизнинг 58-моддасида давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ-имкониятларни таъминлайди, деб белгилаб қўйилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, опа-сингилларимизнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг вакиллик органларидаги сайловларда иштирокини янада кучайтиришга оид қонунчилигимиз такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодексида аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги белгиланган эди. 2023 йилнинг 18 декабрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан қирқ фоизига оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Албатта, бу каби ислоҳотлар натижасида охирги йилларда мамлакатимизда қарорлар қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг иштироки сезиларли даражада ортиб, тадбиркорлик соҳасида 37 фоизга, сиёсий партияларда 46 фоизга, олий таълимда 48 фоизга етди. Бугунги кунда Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзоларининг 24 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг 25 фоизи аёллардир.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, юртимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутафаккир жадид бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, "Оналар — бутун башариятнинг тарбиячиларидир".

Шу маънода, хотин-қизларнинг таълим олиши, аниқ касб-ҳунарга эга бўлишини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 2017 йилдан олий таълим муассасаларидаги талабаларнинг 102,4 минг нафарини хотин-қизлар ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб, уларнинг сони деярли 5 бараварга ошди. Бундай кўрсаткичларга, албатта, давлатимиз томонидан олий таълимга, айниқса, талаба қизларнинг таълим олиши рағбатлантирилиши, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ҳам туртки бўлмоқда.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. 2021 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, олий таълим муассасалари бакалавриат босқичининг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талаба-қизлар учун Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган махсус стипендия жорий этилган эди. 2022 йилдан бошлаб, давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида таҳсил олаётган барча хотин-қизларнинг шартнома тўловини қоплаб бериш тизими амалиётга киритилиб, 12 минг 300 талаба-қизнинг 68,3 млрд. сўм миқдоридаги шартнома тўловлари тўлаб берилди. Ростини айтганда, авваллари бундай тизим мутлақо бўлмаган. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 2023 йилда магистратура босқичида ўқишини давом эттираётган талаба-қизлар сони 17 минг 122 нафарга етиб, жами талабалар сонига нисбатан 55,8 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, жамиятда аёллар мавқеини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд оилалар қизлари учун "ижтимоий лифт" тамойили асосида хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини кенгайтириш мақсадида алоҳида грант ўринлари икки баробар оширилди. Ҳар йили хотин-қизлар учун бакалавриатнинг кундузги таълим шаклига 2000 та қўшимча давлат гранти ажратилиб, шунча хотин-қиз талабаликка тавсия қилинди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасида бир қатор қонунлар ҳам қабул қилинди. Хусусан, 2019 йил 2 сентябрда иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни билан гендер, гендер статистикаси, гендерга оид аудит, жинс бўйича камситишнинг турлари, гендерга доир комплекс ёндашув каби янги ҳуқуқий атамаларнинг асослари мустаҳкамланди. "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун эса хотин-қизларни турмушда, иш жойида, таълим муассасасида ҳамда бошқа жойларда тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Унда зўравонлик ва унинг турлари, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда махсус марказлар, ҳимоя ордерини бериш каби таянч тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди.

Соҳада амалга оширилаётган ишларга қарамай, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва тазйиқлар, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишда тўсиқлар ҳали-ҳамон учраётгани, албатта, таассуфли. Шу сабабли "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун муносиб санкциялар белгиланди. Хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддатини узайтириш назарда тутилди.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексники $59^{2}$-моддаси, яъни оилавий (маиший) зўравонлик учун жавобгарлик белгиланиб, худди шу ҳаракатлар бир йил ичида қайта содир этилган тақдирда Жиноят кодексининг $126^{1}$-моддасида жиноий жавобгарлик кўзда тутилди. Жиноят кодекси шахс шаънини ва қадр-қимматини камситувчи, инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи $141^{3}$-модда билан тўлдирилди.

Буларнинг барчаси, энг аввало, зўравонликнинг олдини олиш, унинг мудҳиш оқибатларига барҳам бериш, хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимиз нуфузини яхшилашга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, нозик хилқат вакилларининг оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳар қанча эътирофга лойиқ. Айниқса, аёлларга давлат ва жамият тақдирига дахлдор қарорларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида бевосита қатнашиши учун кенг йўл очилгани уларга билдирилаётган юксак ишонч ифодасидир.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.**

## ИШОНЧИМИЗ МУСТАҲКАМ

*Мен "Навоийазот" АЖда иш бошлаганимда 18 ёшда эдим. Мана, орадан 37 йил ўтибдики, бугунги кунда акам, икки синглим ва укам ушбу корхонада меҳнат қиламиз. "Устоз — шогирд" анъанаси асосида бир-биримизни қўллаб, меҳнат фаолиятимизда қувончли ва синовли кунларни баҳам кўрдик.*



Корхонамиз ўн йилча бурун иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда ташвишли дамларни бошдан кечирди. Ишчиларнинг иш ҳақидан қарздорлик беш-олти ойга чўзилиб, технологияга анча эскирган, "завод ёпилармиш" деган гаплар ҳам пайдо бўлган кезлар эди.

2017 йилдан ишчиларимиз ҳаётида тамомила янги давр бошланди. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан уч лойиҳа доирасида экологик жиҳатдан зарарсиз, энергия тежамкор ва автоматлаштирилган қувватлар ишга туширилиб, уч йил ичида давлатимиз раҳбари беш марта корхонамизда бўлди. Ҳар бир ташрифдан сўнг кўнглимизда эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланиб, "Навоийазот"нинг иқтисодий барқарорлиги ошди. Бугун ишга туширилган технологиялар туфайли Европа стандартларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз.

Тўғри, илгариги технология ҳозиргисидан принципиал фарқ қилмаслиги мумкин. Лекин янгисида ишчилар саломатлиги ва хавфсизлиги устувор тутилган. Хуллас, корхонамиз ёпилиб қолмасмикан, эски ускуналар панд бермасмикан, деган хавотир билан ўтган кунларимиз ортда қолди. Янги технология асосида ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда мукаммал ўзлаштириб, "Устоз — шогирд" анъанаси асосида ўнлаб шогирдлар тайёрладим. Энг муҳими, кўнглимиз хотиржам, эртанги кунга ишончимиз мустаҳкам. Ҳар бир рўзғор бекаси учун бундан улуғ бахт йўқ.

Корхонамизда бугунги кунда турли миллат вакилларидан иборат тўққиз минг киши меҳнат қилади. Айнан ўзим ишлаётган органик синтез ва нитрон толаси ишлаб чиқариш 31-цехида эса, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилади. Бу ерда полипропилен қоп ишлаб чиқариш технологик жараёни йўлга қўйилган.

Маҳсулотимиз корхонамизда тайёрланган минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотларни қадоқлашда ишлатилади. Бу маҳсулотлар ички бозор билан бирга, ўндан ортиқ хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётганида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

**Насиба ФАЙЗУЛЛАЕВА,**
**«Navoiyazot» АЖнинг 31-цехи машина оператори.**

# Мўътабар ва ардоқли хилқат

*Аёл — мўъжаз хилқат. Чинакам тилсимот. Ҳаёт ҳикматлари ва синоатларини мужассам этган зот. Шу боис ташбеҳлар бисёр, таърифлар туганмас. Гўзал туйғу ва тушунчалар, эзгу фазилатларнинг тимсоли улар.*

*Ватанни онага қиёслаймиз. Жаннатни шу мўътабар сиймолар пойидан излаш буюрилган муқаддас битикларимизда. Севги, садоқат, вафо, битмас-туганмас меҳр-оқибат рамзи ҳам — аёлларимиз. Сабр-бардош, матонат, куюнчаклик бобида опа-сингилларимиз ҳамиша ибрат... Мунис, муҳтарам, дилбар, гўзал, оқила, меҳрибон... Неча минг йилликлар довони оша бу ажиб сўзлар қанчадан-қанча шеъру ғазаллар, достонларга зийнат берганини ҳатто тасаввурга сиғдириш имконсиз.*

*Аммо аёлларимиз давлат, жамият, оилада чинакам қадр-қиммат топиши, бахтли-саодатли ҳаёт кечириши учун уларни улуғлаш, мадҳ этишнинг ўзигина етарли эмас. Айни сабабдан янги Ўзбекистондаги янгича ислоҳотлар бугун ана шу нозик хилқат соҳибаларига, аввало, ўзини тўлақонли намоён этиши учун кенг имкон бериш ва муносиб шароит яратишни кўзда тутади.*



## Қадри юксак — қадди тик

Миллат, юрт қудрати, аввало, икки муҳим эврилишда кўзга ташланади: биринчиси — соғлом авлод, иккинчиси — маънавий юксалиш. Эътибор қилсак, ҳар икки босқичда ҳам аёлларимизнинг ўрни муҳим ва беқиёс. Шу маънода, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракати билан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айлангани эътирофга лойиқ.

Мана, бугун 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга оширишга қатъий бел боғлаганмиз. Бу борадаги барча мақсадларни бирлаштирувчи эзгу ғоя — "Инсон қадри учун" деган устувор тамойил.

Тараққиёт стратегиясининг "Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналишида белгиланган мақсадлар билан танишиб, мамлакатимизда хотин-қизлар учун нақадар кенг имкониятлар яратилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, 69-мақсад опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган. Унга кўра, хотин-қизларга тазйиқ ҳамда зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш эътибор марказида бўлади.

Ҳудудлар, айниқса, қишлоқларда опа-сингилларимизга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини юксалтириш, тураржойга муҳтожларини уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Шунингдек, оғир аҳволга тушиб қолган қатламга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш учун бор имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Бундан ташқари, 60-мақсадга мувофиқ, репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, шунингдек, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида 46 та туманлараро перинатал марказ ташкил этиш, уларни кадрлар, техника ва буюмлар билан таъминлаш масаласи қўйилган.

## Оддий кузатувчи эмас, фаол иштирокчи

*"Одатда биз аёлни авваламбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри,* — деган эди давлатимиз раҳбари. — *Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак".*

Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган Ўзбекистонда бу юксак маррага фақат ва фақат илм-фан, кучли таълим-тарбия самараси билан эришилиши, шубҳасиз. Юртимизда кейинги йилларда хотин-қизларнинг илм олиши учун янги имкониятлар яратиб берилаётганининг боиси шунда.

Президентимизнинг юқорида келтирилган Фармонига мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртқи, кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўлов-шартнома асосида ўқиши учун имтиёзли шартларда таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига Давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг янги тизими жорий этилди.

Эътиборлиси, таълим кредитининг асосий қисми талаба хотин-қизларимиз ўқишни тугатиб, олти ой ишлаб, ойлигини олганидан сўнг, еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади. Бу 4-5 миллион оилаларимиз учун катта мадад эмасми?!

Қолаверса, эндиликда ОТМнинг магистратура босқичида ўқиётган қизларнинг шартнома пули тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши тизими амалда. Докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади. Бу ҳам дунё миқёсида ҳеч муқобили йўқ сиёсат.

Юртимизда шарқона менталитетга кўра, қизлар бакалавриатни тугатиши билан, баъзан эса юқори курслигидаёқ турмушга узатилиши сир эмас. Аёлларимиз оилапарварлигини эса бутун дунё билади. Шу боис айни зиё чўққиси этагида оилавий шароити тўғри келмай ёки моддий имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб, илмни давом эттиришга қимтиниб турган опа-сингилларимизни кўп учратамиз. Янги тизим энди иккиланишларга барҳам беради. Иштиёқ борми, марҳамат: ўқинг, илм қилинг, юрт ривожига ҳисса қўшинг. Бунинг учун давлат сизни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тавсиясига асосан, йилига ҳар бир ҳудуддан 150 нафардан жами 2100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим шартномаси маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қопланмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Фармонда мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумоти йўқ 500 нафар хотин-қизни ҳар йили Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тавсияномасига асосан, давлат олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишига, умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синови натижаларига мувофиқ, тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилиши белгиланган.

Хуллас, ўтаётган ҳар кунимиз нозик хилқат эгалари учун қувончли тарихий янгиликлар, хайрли ташаббусларга бой. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Олима аёллар жамияти тузилиб, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилиши шулар сирасидан. Бу тузилма мамлакатимизда ва хорижда илм-фан соҳасида юксак ютуқларга эришаётган олима аёлларимизни жипслаштириб, уларнинг ақл-заковат нури ҳаётимиз ҳар бир жабҳасига кириб бориши учун ўзига хос парвоз майдонига айланиши кутиляпти.

## Ҳуқуқ ва манфаатлар кафолати

Эркин ва шаффоф жамият барпо этишнинг энг муҳим шарти — қонун устворлиги! Бусиз адолат ўрнатиш, фаровон ҳаёт қуриш имконсиз. Айни сабабдан давлатимиз раҳбари опа-сингилларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир тарихий ислоҳотларга қўл урар экан, ишни қонуний асосларни мустаҳкамлашдан бошлади.

Конституциямизнинг 58-моддасида "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар" дея белгилангани гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш борасидаги тизимли ислоҳотлар учун пойдевор бўлди.

Шу аснода Ўзбекистон хотин-қизларни ҳар қандай камситиш ва таҳқирлашлардан ҳимоя қиладиган барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳамда Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Нью-Йорк конвенциялари, БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш ҳақидаги баённомаси каби халқаро ҳужжатларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Юртимизда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида", "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Қонун ҳужжатларининг мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизаси жорий этилди.

Аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан 30 дан ортиқ Фармон, қарор ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижобий натижалари аллақачон ҳаётимизда бўй кўрсатмоқда.

Жумладан, оила ва хотин-қизлар билан профессионал тарзда ишлашга ихтисослаштирилган янги орган — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилди. Опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Янги механизм — маҳаллаларда хотин-қизлар билан мақсадли ва манзилли тартибда ишлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Муҳими, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

## Тенглик учун кенг имконият

Афсуски, жамиятимизда узоқ йиллар давомида хотин-қизларга муносабат бобида қонунлар ижроси таъминланмади. Айниқса, оилада, меҳнат жамоаларида опа-сингилларимизга ўгай назар билан қараш, камситиш ҳолатлари давом этиб келди. Уларга нисбатан таҳқирлар, таҳдиду зўравонликлар камаймади. Ана шундай нохуш ҳолатлар, оғриқли муаммоларга барҳам бериш учун Ўзбекистон демократик давлатлар йўлини танлади. Гендер тенглик масаласини кун тартибига олиб чиқди.

БМТнинг ўн йиллик ҳаракатлар дастурига кўра, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш кун тартиби, шу жумладан, "Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойили рўёбга чиқарилади. Бинобарин, Барқарор ривожланиш мақсадларининг 5-банди — гендер тенгликни таъминлаш орқали барча хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайтирилади. Бу дастур ижросига 2020 йилда киришилди. Ўзбекистонда ҳам бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "аёллар дафтари" ташаббуси айни шу эзгу мақсадлар рўёби билан тўлиқ уйғундир.

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги қарори билан тасдиқланган "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар"нинг 5-мақсади — Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни назарда тутади.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида хотин-қизларни камситишнинг барча шаклига барҳам бериш, уларга нисбатан зўравонлик, жумладан, одам савдоси, жинсий эксплуатация ҳамда унинг бошқа шаклларини тугатиш, эрта никоҳлар ва мажбурлаб никоҳлаш ҳолатларига йўл қўймаслик чоралари кўриляпти. Бу вазифаларни бажариш мақсадида Олий Мажлис Сенати томонидан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди.

Мухтасар айтганда, бугун жамиятимизда аёллар қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида давлат бош ислоҳотчи сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса янги Ўзбекистоннинг бахтиёр инсонлар мамлакатига айланиши учун қўйилган мустаҳкам тамал тошидир.

**Гулнора АБДУРАҲМОНОВА,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ЎҚИТУВЧИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЗАМОН КЕЛДИ

*Яқин ўтмишда, ўн йилларча олдин юртимизда ўқитувчиларнинг обрўси сезиларли даражада тушиб кетгани, уларнинг ойлик маоши ва иш шароитларининг етарли бўлмагани ҳеч кимга сир эмас. Боз устига, қайсики ҳудудда ободонлаштириш тадбири ёки ҳашарлар ташкил қилинадиган бўлса, ўқитувчилар рўйхат бошида турган.*



Бу бугун мактаб остонасига қадам қўйган ўқитувчилар учун бир эртакдек туюлиши аниқ. Негаки, кейинги йилларда ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ва обрўсини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида вазият тамоман ўзгарди. Юртимиздаги бу ислоҳотларни Оролбўйининг энг олис ҳудудларидаги таълим муассасалари ўқитувчилари ҳам ҳис қилмоқда.

Ўзимга келсак, мактаб раҳбари сифатида ёшларга намуна бўлишга ва доимо малакамни ошириб боришга ҳаракат қиламан. 2023 йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан "Директорлар учун мактабларни ривожлантириш дастури" бўйича ташкил қилинган танловда муваффақиятли иштирок этиб, Буюк Британиядаги Портсмут университетида 2 ҳафталик семинар-тренингда қатнашиб келдим.

Европада биз ташриф буюрган мактабларда айни шу ҳудудда касбларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, юқори синф ўқувчиларини касбга йўналтириш назарда тутилган экан. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ҳар бир соҳа ва тармоқлар бўйича қизиқишини ошириш ва иқтидорини аниқлаш учун мактабларда театр, дизайнерлик, рассомлик ва бошқа бир қатор тўгараклар бор. Яна уларда кўп фанни оз-оздан ўзлаштириш эмас, маълум бир фанларни чуқур ўрганишга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар фанларни ўзлари танлаб, асосан, шу йўналиш бўйича мукаммал билим олишга интилар экан. Албатта, бу каби минтақалараро тажриба алмашиш ва малака ошириш биз учун ўз ишларимизни янада самарали ташкил этишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Мактабимиз ўқитувчилари орасида Шоира Зикруллаева 2022-2023 йилларда "Ёш китобхон" танловининг Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон Республикаси босқичлари совриндори бўлди. Тарих фани ўқитувчиси Даўлетяр Алмуханов "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Асосийси, бизга фахр бағишлайдигани — ўтган йили битирувчиларимизнинг 95 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Масалан, Даўлетяр Рейимбаев рақамли технологиялар йўналишида Ўрта Осиёдаги энг илғор олий ўқув юртларидан бўлган "PDP University" талабаси бўлди.

Президентимиз томонидан имзоланган "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда ўқитувчиларга бўлган ҳурматни оширишга, шу билан бирга, педагогларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланган тарихий ҳужжат эканини кенг жамоатчилик эътироф қилмоқда. Бу эса бугун педагог-мураббийларга эътибор ўзгарганини, ўқитувчилар эъзозланадиган замон келганини англатади.

**Қалжан АЙИМБЕТОВА,**
**Қўнғирот туманидаги 52-умумтаълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси.**

# УСТУВОР МАҚСАДЛАРДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ МУЖАССАМ



1

Мажлисда таъкидланганидек, ўтган даврда белгиланган устувор йўналиш ва мақсадлар доирасида амалга оширилган ишлар инсон қадрини улуғлаш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилди. Ҳукумат томонидан давлат дастури ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини кафолатлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилган. Натижада 2023 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 6,0 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, дастурда белгиланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида Ҳукумат ва парламент ўртасида яқин ҳамкорликда фаолият олиб борилди.

Ҳисобот даврида ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш йўналишида ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Яъни мактабгача таълим билан қамров даражасини ошириш йўналишида 3 — 7 ёшли 2,1 млн. нафар бола сифатли мактабгача таълим билан қамраб олинди. Янги мактабларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда уларда зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида 563 та мактабда қурилиш ишлари якунланган, 46 та спорт зали бинолари қурилган. Шунингдек, республика бўйича қуввати 116 минг ўринга мўлжалланган 4 402 та оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этилган.

Таълим учун қулай муҳит яратиш мақсадида қўшимча 119 мингтадан ортиқ ўқувчи ўринлари яратилган. Шу билан бирга, фуқароларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг касбий кўникма ва малакаларини ривожлантириш мақсадида 2023 йилнинг июль — декабрь ойлари давомида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда 87 132 нафар ишсиз шахс касб-ҳунар, тадбиркорлик ва хорижий тилларга ўқитилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш йўналишида кўламли ишлар амалга оширилгани мажлисда алоҳида қайд этилди. Жумладан, “аёллар дафтари”га киритилган 1 млн. 779 нафар эҳтиёжманд хотин-қизнинг 993 минг 368 нафарига ёрдам кўрсатилган. Шу билан бирга, “ёшлар дафтари”га жами 435 минг 316 ёш киритилиб, уларнинг 388 минг 70 нафарига шартнома тўлови, меҳнат қуроллари учун маблағ, муддатли ҳарбий хизмат бадали, ҳайдовчилик курслари, касб-ҳунарга ўқиш ва даволаниш каби йўналишлардаги харажатлар учун 444 млрд. сўм қоплаб берилган.

Бундан ташқари, республика бўйича оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, тураржойга муҳтож жами 4 минг 138 нафар хотин-қиз уй-жой билан таъминланиб, 3 минг 488 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз махсус жарроҳлик амалиётидан ўтказилган.

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш мақсадида хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 15 171 та савдо сервис объекти ташкил этилиб, 96 115 та иш ўрни яратилган. Аҳоли масканларида кенг полосали мобиль интернет билан қамраб олиш даражаси 99 фоизга етказилган.

Ҳисоботда келтирилишича, “Яшил энергия” технологияларини кенг жорий қилиш доирасида насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида 177 та насос ҳамда 237 та электр двигатели янгисига алмаштирилган. Экологик вазиятни барқарорлаштириш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш йўналишида республика бўйлаб жами 219,1 млн. туп, шундан баҳор мавсумида 127,7 млн. туп, куз мавсумида 91,4 млн. туп манзарали ва мевали дарахт, бута кўчатлари экилган.

Депутатлар давлат дастури ижросини таъминлашда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига устуворлик берилганини эътироф этиб, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, даромадларни ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, хотин-қизлар, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган ишлар амалга оширилганини таъкидладилар.

Мазкур ҳисобот юзасидан сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари ўз нуқтаи назарини билдирди.

Муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллаб, Ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарорни қабул қилди.

## Ярашув институтини қўллаш доираси кенгаяди

Мажлисда “Ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ярашув институти самарали қўлланиб келинаётгани жамиятимизда инсонпарварлик тамойилини кучайтиришга, тарафларнинг манфаатларига ва келгусида жиноятчиликнинг олдини олишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ярашув институтига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар доирасини кенгайтириш белгиланяпти. Яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда моддалар сонини 12 тадан 15 тагача кўпайтириш орқали ярашув тўғрисидаги институтни қўллаш доирасини кенгайтириш таклиф этилмоқда. Бу, ўз навбатида, одамлар, айниқса, қариндошлар, яқинлар ва танишлар ўртасида келиштирадиган тартибнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шунингдек, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ жиноий қилмишни декриминализация қилиб, уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказиш, шунингдек, ушбу ҳуқуқий нормани янги квалификация белгилари билан тўлдиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Хусусий мулк ҳимояси

Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда хусусий мулк ва унга бўлган ҳуқуқлар дахлсизлигининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклашга доир тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум қилинган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Хусусий мулк ва унга бўлган ҳуқуқлар дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган мазкур ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Уй-жой кодекси ва “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутиляпти.

Жумладан, Уй-жой кодексининг 11-моддасида тураржойларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш, уларни қайта қуриш ёки бузиш шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши белгиланмоқда. Амалда тураржойларнинг кўринишини ўзгартириш, уларни қайта қуриш ёки бузишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилар эди.

Шунингдек, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум қилинган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланишини таъминлаш белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Конституциямизнинг сўзсиз амалга оширилишига, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қийматини ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрнини белгиланган тартибда қоплаш орқали хусусий мулкнинг ҳимоя қилинишини ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш имконини беради.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Гиёҳвандлик воситаларини интернет орқали сотганларга жавобгарлик кучайтирилмоқда

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласига қарши курашишга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир қилувчи моддалар қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, гиёҳвандлик воситаларини Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали амалга ошириш, бундай воситаларни тарқатиш ва реклама қилишнинг янги усулларидан фойдаланиш кескин ортаётир. Шундай усуллардан бири “наркограффити” усули бўлиб, бунда ноқонуний ташкил этилган интернет-дўкон манзили ҳақида маълумот девор ва йўлакларга чизиш орқали тарқатилмоқда. Қолаверса, уларни истеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларга ёшларни, айниқса, вояга етмаганларни жалб этиш ҳам кўпайиб боряпти.

Қонун лойиҳаси билан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, ушбу жиноятларни вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг тарғиб ёки реклама қилиниши ёхуд ноқонуний муомаласининг барвақт олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ОЛАМ НУРГА ТЎЛСИН СЕН БИЛАН, НАВРЎЗ!



1

Яшилликка чулғанган фараҳбахш дамлар дилимизни шавққа тўлдиради. Кишилар майсазорлар устида ёнбошлаганча хушкайфиятда гурунглашмоқда. Эҳтимол, улар баҳорги экиш ишлари машваратини қилишаётган, балки кўкламнинг баракали келишини истаб, ош тайёрлаш тараддудини кўришаётгандир...

Кенгликларда қувлашмачоқ ўйнаётган, варрак учираётган болажонларнинг қувноқ қийқириқлари тинмайди. Сочларига тол новдалари ва бойчечакдан баргак таққан қизларнинг ҳам кўнглида бир орзиқиш...



Буларни кўрган одамни чексиз ҳавас чулғайди, беғубор болалик даврларига қайтгандек бўлади. Болалар чеҳрасидаги севинч ва масрурлик беихтиёр катталар юзига ҳам кўчади.

Хонадонларда Наврўзнинг шоҳ таоми — сумалак пиширила бошланди. Бахши-шоирлар қўлларига дўмбирасини олиб, юракларга туташ термаларни ижро этишаётир...

Ҳа, она заминимизда дилларга хушнудлик бағишлаб, баҳор сеп ёймоқда.

Кўчага чиқсам, икки нуроний берилиб гурунглашаётган экан. Уларнинг суҳбатига бироз қулоқ тутдим.

— Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жуда катта ўзгаришларни амалга оширмоқда. Буларнинг бари халқимизнинг манфаати учун қилиняпти. Шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кунга обод бўлиб, кўркамлашиб бормоқда. Бирон шаҳарга бир-икки ойдан кейин бориб қолгудай бўлсангиз, қиёфасини таниёлмай қоласиз, — дейди оқсоқоллардан бири. — Илоҳим, Юртбошимиз умридан барака топсин!

Дунёга холис кўз билан бирров назар ташланг, нималар бўляпти? Ўзга мамлакатларда алғов-далғов, нотинчлик ҳукм сурмоқда. Бизда-чи? Шукрки, бизда тинчлик-осойишталик. Тинчлик-тотувликка не етсин! Барака шундай юртга ёғилади, байрамлар шундай юртга ярашади-да! Ишқилиб, тинчлигимизга кўз тегмасин! — иккинчиси шеригининг гапини қўллайди...

Халқимизда “Қари билганни пари билмас” деган нақл бежиз айтилмаган. Тинчлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик — барча эзгуликлар онаси! Энг муҳими, қарорда таъкидланганидек, дунёда мураккаб вазият ҳукм сураётган ҳозирги таҳликали даврда Наврўзнинг буюк инсонпарварлик моҳияти, ўлмас ғоялари, одамзодни тинчлик ва дўстликни қадрлаб, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшашга, ҳаётни янада гўзал ва обод қилишга ундайдиган бунёдкорлик руҳи ва фалсафаси Ер юзидаги турли халқларнинг олийжаноб интилишларига ҳам ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Кўкламнинг яратувчанлик шукуҳи кўнгилларда акс садо бермоқда. Жонажон юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлгани сингари Деҳқонободда ҳам баҳорги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қулоч ёзган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

Ободлик, аввало, қалблардан бошланади. Халқимизнинг кайфияти баланд, эртанги кунга умидлари катта. Мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари уларни тағин руҳлантирмоқда. Одамлар кўкламнинг ҳар бир дамини ғанимат билиб, маҳаллаларда, хонадонларда мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ҳамда анвойи гул ниҳолларини ўтказиш ишларини аллақачон бошлаб юборишган.

Ҳар фаслнинг ўзига яраша гашти, кўрки бор. Шахсан ўзим баҳор фаслини жуда-жуда интиқлик билан, бўлакча ичикиш билан кутаман. Фасли навбаҳор келаверса, кўнглимда қандайдир ёқимли тафт ва беҳбудлик ҳиссини туяман, майин шаббодадан тўйиб-тўйиб нафас оламан. Орзуларим бир олам бўлади, эртанги кунга ишончим ортгандан-ортиб бораверади.

Мана, салкам ўн йилдирки, бу жозибадор фаслни соғинч билан қаршиларканман, ҳар чоғ қалбимдаги армонларим юзага қалқиб чиқиб, ичимда нимадир чирт этиб узилиб кетгандай бўлади. Ҳар йили эркатой фасл майинлик билан қайта кириб келаверади. Бироқ уни муштоқлик билан, интизорлик билан кутадиган инсон — менинг баҳорим эса энди қайтиб келмас манзилда... Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек:

***Уйғонгувчи боғларни кездим,***
***Топай дедим қирдан изингни.***
***Ёноғингдан ранг олган дедим***
***Лолазорга бурдим юзимни,***
***Учратмадим аммо ўзингни —***
***Сен баҳорни соғинмадингми?***

Ҳар баҳор турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан ҳовли ичига гуллар экардик. Қайси бир йили эрта баҳорда ишдан қайтсам, рафиқам Зайнаб қўлида кичкинагина кетмончани ушлаганича ҳовлида куймаланаётган, ўғлим Санжар, қизларим Соҳиба, Динора, Малоҳат эса онасига кўмаклашаётган экан.

Аёлимдан:

— Нима қиляпсиз, деҳқоной? — деб сўрайман ўзимни билмаганга солиб.

У менга қия бурилиб қарайди-да:

— Нима бўларди, гул экяпман! — дейди.

Шу топда менинг бир ҳазиллашгим келади ва:

— Ия-я, — дейман ҳайратлангандек бўлиб. — Тавба, гул ҳам гулни экадими-ей?!

Зайнаб ёноқлари алвон тус олиб, ерга қараганича кулибгина қўя қолади. Унинг ўша ёқимли жилмайишлари нигоҳларим олдида мангу муҳрланиб қолган...

Баъзида хаёлга чўмарканман, мижжаларимда ёш қалқийди. Ўзимни сира тутолмайман. Шу маҳал телевизордан эл суйган санъаткор, бетакрор овоз соҳибаси Коммуна Исмоилованинг жозибадор қўшиғи таралади:

***— Мен парвона гул қошида,***
***Ер-кўкда шўх нашида,***
***Гўзаллик бор, нафислик бор,***
***Гулларнинг ол қарашида.***
***Сўлим баҳор, сўлим баҳор.***
***Нурда кулган йўлим баҳор...***

“Келганинг рост бўлсин! Илоҳим, қадаминг қутлуғ бўлсин, сўлим баҳор, фусункор кўклам, шукуҳли Наврўзи олам!” дейман қувончдан ҳайқириб. Шундай дейману бундан руҳланганимча энтикиб кетаман. Назаримда, йиллар давомида мен соғинган инсон ҳам баҳор билан, Наврўз билан бирга очилиб-сочилиб, гул-гул яшнаганича ҳовлимизга қадам ранжида этиб кириб келгандай бўлади. Тилу дилимда эзгу калом айланади: олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!

**Абдуқаюм БЕККАМОВ.**
Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани



# ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРИШ – ДАРОМАДЛИ СОҲА



*Қулупнай, асосан, баҳор ва куз ойларининг резавор меваси бўлса-да, бугунги кунда ушбу тансиқ неъмат иссиқхоналарда етиштирилиб, йилнинг тўрт фаслида ҳам дастурхонимизга кўрк бағишламоқда. Асосийси, иссиқхоналар оилаларни йил бўйи даромад билан таъминлаяпти.*

## Интилиш

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Газа маҳалласида яшовчи Жасур Сувонов томорқасидаги мўъжазгина иссиқхонада қулупнай, бодринг етиштириб, яхшигина даромад топаётган тадбиркор миришкорлардан.

— Уйимиз адирликка туташ ҳудудда жойлашган, — дейди Ж. Сувонов. — Адирликни текислаб, иссиқхона қурдим, 1,5 сотихида 1500 туп қулупнай, яна 1,8 сотихида 750 туп бодринг кўчатларини парваришлаб келяпман. Айни пайтда пишиб етилган маҳсулотларни пешмапеш бозорга етказиб беряпмиз. Иссиқхона нафақат моддий фойда келтиряпти, балки эстетик завқ ҳам бағишлайди. Ҳар гал у ерга кирганимда баҳридилим яйрайди. Ташқарида совуқ, ичкарида эса ҳаммаёқ кўм-кўк, баҳор нафаси.

Миришкорнинг таъкидлашича, бир сотих майдонга 750 туп кўчат қадалади. Бир туп кўчатдан мавсумда ернинг унумдорлиги, парваришига қараб, камида 200 граммгача ҳосил олиш мумкин. Демак, бир сотих ердан бир мавсумда ўртача 130 — 150 килограмм ҳосил олинади.

Ж. Сувонов иссиқхонасидаги биргина 1500 туп қулупнай кўчатларининг ҳар биридан 200 граммдан ҳосил кўтараётган бўлса, бу — бир мавсумнинг ўзида 300 килограмм маҳсулот, дегани. Қулупнайнинг бозордаги нархидан келиб чиқиб, энди даромадни ўзингиз ҳисоблаб олаверинг...

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Жиззахда сумалак сайли бошланди

*Дилларни шодлантириб ўлкамизга баҳор келди. Бу фасл шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унда байрамлар кўп. Аслида кўклам кириб келишининг ўзи бир байрам. Борлиқ яшаради, табиат гўзаллашади, қиру адирлар болажонларнинг шўх кулгиси билан тўлади. Ҳар бир хонадонга файз киради.*



## Қадрият

Жиззахда баҳор шукуҳи аллақачон бошланиб кетди. Шаҳардаги Қассоблик маҳалласида бўлиб ўтган сумалак сайлини кўриб, бунга яна бир карра амин бўлдик. Аввало, кайвони момолар дуога қўл очиб, юртга хотиржамлик тилашди. Сўнгра маҳалладаги эҳтиёжманд оилалар бир-бир йўқланди.

Эзгу ният билан кўкартирилган буғдой уруғлари ниш ургач, катта дошқозонлар осилди. Бир ёнда саломга шайланган сулув келинчаклар, бир тарафда ўзбек халқининг миллий ўйинларини намойиш этган болаларнинг беллашувлари, ким доира чертиб қўшиқ куйлаган, ким таманно билан хиром айлаган... Хуллас, Жиззахда баҳорий тантаналар бошланди.

Юртимизда байрамлар байрамларга уланаверсин!

**Саид ДОНИШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

| | |
|---|---|
| Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва меҳнат жамоаси институтнинг Травматология ва ортопедия, нейрохирургия кафедраси доценти Муродулло Бўриевга отаси **Норбек БЎРИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | Ўзбекистон давлат хореография академияси жамоаси Санъат назарияси ва тарихи кафедраси мудири Шавкат Умаровга онаси **Санобар ая УМАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. |
| | “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети жамоаси университетнинг Тракторлар ва автомобиллар кафедраси доценти, т.ф.н. **Исажон МАРУПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади. |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 18 433 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6